

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ УМИДЖОН ҒАЙРАТЖОНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК СУҒУРТАСИ
ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Имомов Умиджон Гайратжонович

Инновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртаси ва уни
ривожлантириш йўллари..... 3

Имомов Умиджон Гайратжонович

Банковское страхование и пути его развития в условиях
инновационной экономике..... 25

Imomov Umidjon Gayratjonovich

Bancassurance and ways of its development in an innovative economy... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ УМИДЖОН ҒАЙРАТЖОНОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК СУҒУРТАСИ
ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt714 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдурахмонов Илём Хуршидович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Карлибаева Рая Ходжабаевна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Саттаров Одилжон Бердимуратович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "19" 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (160 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил "07" 12 куни таркатилди.
(2020 йил "07" 12 даги 52 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature]
Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD)

[Signature]
И.Н.Кўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган рецессиялар шароитида яшаб қолишнинг ягона йўли янги сотиш каналларини жорий этиш ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари сотиш каналларини самарали ташкил этишда кредит институтлари салоҳиятидан кенг фойдаланади. Бундай ҳамкорлик натижасида суғурта мукофотларининг ҳажми ошади, банклар кўшимча даромадга эга бўлади, суғурта маҳсулотлари таннархи пасаяди. “Халқаро амалиётда сотиш каналларининг ривожланиш даражасига қараб суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг ўртача 55-60 фоизи (Францияда 62 фоиз, Испанияда 68 фоиз, Италияда 77 фоиз, Белгияда 38,5 фоиз, Ҳиндистонда 41 фоиз, Россияда 37,1 фоиз, Хитойда 25 фоиз) банклар ҳиссасига тўғри келади.”¹ Шу сабабли ҳозирги кунда банк суғуртасини жорий қилиш ва ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида суғурта ва банкларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантириш масалаларига дахлдор қатор илмий тадқиқот ишларида суғурта маҳсулотларини анъанавий ва янги “bancassurance” технологиялари орқали сотишни ташкил этиш, шунингдек банк рискларини камайтириш ёки самарали бошқариш масалалари юзасидан илмий изланиш натижалари эълон қилиниб келинмоқда. Базель қўмитаси, Халқаро қимматли қоғозлар комиссияси ва Халқаро суғурта назорати ассоциацияси (*International Association of Insurance Supervisors IAIS*) билан ҳамкорликда молиявий гуруҳларнинг ташкил этилиши, улар фаолиятларининг ўзига хос жиҳатлари устида доимий равишда тадқиқотлар ўтказиб келади. Хусусан “bancassurance”нинг бир кўриниши бўлган молиявий конгломератлар расмий равишда “Умумий назоратга эга ва асосий фаолияти икки ва уч турдаги молиявий хизматларни (банк, суғурта ва қимматли қоғозлар) кўрсатишга ихтисослашган бир гуруҳ ташкилотлар”² деб эътироф этади. Бироқ, жаҳонда банк суғуртасини назарий, услубий асослари, инновацион иқтисодиётдаги ўрни, уни ривожланиши билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолига сифатли молиявий хизматларни тақдим этиш, суғурта компанияларининг суғурта маҳсулотларини сотишнинг замонавий технологияларини жорий этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, суғурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, суғурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банк суғуртаси механизмларини жорий этиш, умуман суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суғурта маҳсулотлари сотиш кўламини кенгайтиришга эришиш мақсадида соҳага

¹ <https://www.capgemini.com/news/world-insurance-report-2019>. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

² <https://www.bis.org/bcbs/>. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

янги технологиялар жорий қилинмоқда. Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳолига сифатли молиявий хизматларини кўрсатиш, республика суғурта хизматлар бозори ролини кучайтирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–20210 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банк суғуртаси мавзусида кўпгина таниқли хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий, услубий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий ишлари мавжуд. Жумладан, хорижий олимлардан Rüdiger (Rudi), Houston, J. F., M. D. Ryngaert, Cummins J. D., Weiss M. A., S.Tennyson, Herring R. J., Santomero A. M., Berger A. N., Demsetz, R. S., P. E. Strahan, DeYoung, D. Evanoff, P.Molyneux, Acharya V. V., I. Hasan, A. Saunders, X. Xie, Berry-Stolze T. R., R. E. Hoyt, S. Wende, F.Black, M. H. Miller ва R. A. Posner, Aggarwal R. K., Samwick A. A., К.Г.Воблый, М.И.Рейтман, Орлова И.В., А.П.Плешков, В.В.Шахов, Р.Т.Юлдашев³ каби

³ Rüdiger (Rudi) Dornbusch Stabilization, Debt, and Reform: Policy Analysis For Developing Countries, 1993, Black, F., M. H. Miller, and R. A. Posner, 1978, An Approach to the Regulation of Bank Holding Companies, *Journal of Business*, 51: 379-412., Houston, J. F., and M. D. Ryngaert, 1994, The Overall Gains From Large Bank Mergers, *Journal of Banking and Finance*, 18: 1155-1176., Cummins, J. D., S. Tennyson, and M. A. Weiss, 1999, Consolidation and Efficiency in the US Life Insurance Industry, *Journal of Banking and Finance*, 23: 325-357., Herring, R. J., and A. M. Santomero, 1990, The Corporate Structure of Financial Conglomerates, *Journal of Financial Services Research*, 4: 471-497., Berger, A. N., R. S. Demsetz, and P. E. Strahan, 1999, The Consolidation of the Financial Services Industry: Causes, Consequences, and Implications for the Future, *Journal of Banking and Finance*, 23: 135-194., DeYoung, R., D. Evanoff, and P. Molyneux, 2009, Mergers and Acquisitions of Financial Institutions: A Review of the Post-2000 Literature, *Journal of Financial Services Research*, 36: 87-110. Acharya V. V., I. Hasan, and A. Saunders, 2006, Should Banks Be Diversified? Evidence From Individual Bank Loan Portfolios, *Journal of Business*, 79: 1355-1412. Cummins, J. D., ва X. Xie, 2008, Mergers and Acquisitions in the US Property Liability Insurance Industry: Productivity and Efficiency Effects.

олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Ўзбек олимлари Х.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев, Т.М.Баймуратов, А.А.Нуруллаев, И.Х.Абдурахмонов, С.Умаровлар⁴ томонидан суғурта хизматларини кўрсатишнинг айрим масалалари таҳлил этилган.

Маҳаллий олимлар банк суғуртаси хақида тўлиқ илмий ва амалий тадқиқотлар олиб боришмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг №ИТИ-3 “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион иқтисодий шароитида банк суғуртаси ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

банк суғуртаси бўйича илмий ёндашувларни иқтисодий таҳлил қилиш;
банк суғуртасини ривожланиш босқичлари, амал қилиш механизмлари, моделлари ва усулларини ўрганиш;

миллий суғурта хизматлар бозорида суғурта компаниялар ва кредит ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик фаолиятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда банк суғуртасини жорий этишдаги ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий муаммоларни тизимли равишда тадқиқ қилиш;

миллий суғурта хизматлар бозорига банк суғуртасини жорий этишда суғурта компаниялари ва молия кредит ташкилотларининг ўзаро фаолият кўрсатишлари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Journal of Banking and Finance, 32: 30-55., Berry-Stolze, T. R., R. E. Hoyt, and S. Wende. 2013. Capital Market Development, Competition, Property Rights, and the Value of Insurer Product-Line Diversification: A Cross-Country Analysis. Journal of Risk and Insurance, 80: 423-459, Delong, G. L., 2001. Stockholder Gains From Focusing Versus Diversifying Bank Mergers. Journal of Financial Economics, 59: 221-252., Aggarwal, R. K., and A.A.Samwick, 2003, Why Do Managers Diversify Their Firms? Agency Reconsidered, Journal of Finance, 58: 71-118., Вобль А.С. Основы экономики страхования. Москва изд-во Анкил 1995 г., Рейтман Л. Страхование дело. М.:1992г. Плешков А.П., Орлова И.В. Очерки зарубежного страхования - М.: Анкил, 1997. Шахов В.В. Введение в страхование: - 2-е изд., переработ. и доп. М.: Финансы и статистика, 1999., Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь-справочник. М.: Анкил, 2000.

⁴ Собиров, Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат. 1998. -160 б. Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к. э. н. М.: 1996. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2004. 25 б. Нуруллаев А.С. Ўзбекистон Республикасида фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати.- Т.:БМА. 2007.-28 б.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётининг такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. -Т.: БМА. 2010.- 26 б; Умаров Хасан Суннатуллаевич. Страховой рынок Узбекистана: основные проблемы и тенденции развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к. э. н. – М.: 2013. 23 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Kapital Sug’urta” акциядорлик жамияти фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғурта компаниялари ва кредит ташкилотлари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил, синтез, иқтисодий-математик моделлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банк суғуртасини жорий қилиш, суғурта полисларини тижорат банклар ва уларнинг тармоқлари орқали сотиш асосида тижорат банклари ҳамда суғурта компанияларининг ўзаро муносабатлари мувофиқлаштирилган;

мижознинг тўлов қобилияти ҳамда таъминоти гаровини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларида суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда кредитнинг қайтарилиши кафолатини таъминлайдиган суғурта бозори тузилмаси таклиф этилган;

тижорат банклари портфели ҳамда кафилликларини суғурта қилиш механизми бош полис ва бош шартномани киритиш асосида такомиллаштирилган;

молия-кредит ташкилотларида суғурта агенти фаолиятини йўлга қўйиш асосида суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ривожланган мамлакатлар суғурта хизматлар бозорида суғурта маҳсулотларини сотишда банк суғуртасининг афзалликлари асосланган;

миллий суғурта хизматлар бозорига банк суғуртасини жорий этишнинг мақбул варианты ишлаб чиқилган;

банк суғуртасини жорий этиш йўналишлари ва назорат қилишда тартибга солувчи органларнинг вазифалари асосланган;

суғурта хизматлар бозорида кредит ташкилотларининг суғурта агентлари сифатида фаолият юритишлари молиявий жиҳатдан томонлар манфаатларига бир хил иқтисодий самара келтириши асосланган;

суғурта бозори ривожланишига таъсир этувчи кўрсаткичлар аниқ моделлар асосида эконометрик таҳлил қилиниб, банк суғуртасини ривожлантиришда ҳар бир омилнинг таъсирчанлик даражаси баҳоланган ва ривожланиш прогнози қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган усулларнинг халқаро ва миллий рейтинг ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, “Kapital Sug’urta” АЖ, “Ўзагросуғурта” АЖ суғурта компанияларининг маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар суғурта бозорини ривожлантиришда тижорат банклари ва суғурта компаниялари ўзаро муносабатлари ва банк суғуртаси механизмларини такомиллаштиришга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар банк суғуртасини кўллаш орқали суғурта бозорини ривожлантиришда, тижорат банклари ва суғурта компанияларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишда ҳамда биргаликда амалга оширилаётган фаолият доирасидаги бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишда, молия бозорида қулай, тез ва сифатли молиявий хизматларни кўрсатишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртаси ва уни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банк суғуртасини жорий қилиш, суғурта полисларини тижорат банклар ва уларнинг тармоқлари орқали сотиш асосида тижорат банклари ҳамда суғурта компанияларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш бўйича таклифдан “Kapital Sug’urta” акциядорлик жамиятида суғурта хизматларини кўрсатишда фойдаланилган (“Kapital Sug’urta” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 5 мартдаги 01/0385-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида суғурта компаниясида 2018 йилдаги (14, 16-класслар бўйича) тушум 2017 йилга нисбатан 179,5 фоизга ошган. 2017 йилда юқоридаги класслар бўйича жами тушум 548,03 млн. сўмни ташкил этган бўлса 2018 йилда бу кўрсаткич 984,1 млн. сўмни ташкил этган;

мижознинг тўлов қобилияти ҳамда таъминоти гаровини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларида суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда кредитнинг қайтарилиши кафолатини таъминлайдиган суғурта бозори тузилмасини таклиф этиш асосида “Agrobank” АТБ билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятида фойдаланилган (“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 27 майдаги 19-06/1318-сон маълумотномаси). Натижада, (15-класс бўйича) суғурта тури бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайган, 2018 йилда (15-класс бўйича) тушум 2017 йилга нисбатан 32 баробарга ошган. 2017 йилда юқоридаги класс бўйича жами тушум 1 936,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 62 285,6 млн. сўмни ташкил этган;

тижорат банклари портфели ҳамда кафилликларини суғурта қилиш механизми бош полис ва бош шартномани киритиш асосида такомиллаштириш бўйича таклиф “Kapital Sug’urta” акциядорлик жамиятида “Kapitalbank” АТБ нинг кредит портфелини суғурталаш жараёнида фойдаланилган (“Kapital Sug’urta” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 5 мартдаги 01/0385-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида суғурта

компаниясининг 15-класс Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш бўйича ишлаб чиқилган қоидаларини (йўриқномаларини) амалиётда янада самарали ташкил этиш юзасидан ўзгартиришлар киритилган;

молия-кредит ташкилотларида суғурта агенти фаолиятини йўлга қўйиш асосида суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича таклифи асосида “Ўзавтосаноат-лизинг” МЧЖ (07.02.2018 йилдаги 0100/0260-1 сонли битим) ва “Агролизинг” АЖ (16.11.2018 йилдаги 299-сонли битим) ташкилотлари билан агентлик битими тузилди (“Kapital Sug’urta” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 5 мартдаги 01/0385-сон маълумотномаси). Ушбу битим асосида 2018 йилда 1740,3 млн. сўм суғурта мукофоти тушумлари таъминланган. Натижада, юқоридаги лизинг ташкилотларига 435,07 млн. сўм воситачилик ҳақи тўлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртасининг назарий – услубий асослари”** деб номланган бўлиб, банк суғуртасининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда банк суғуртасининг назарий асослари бойитилган, тижорат банклар ва суғурта компанияларнинг ўзаро алоқалари зарурлиги, долзарблиги тадқиқ қилинган ҳолда тегишли хулосалар шакллантирилган.

XXI аср инсоният тарихида янги давр, яъни инновациялар, юқори технологиялар, ахборотлар даври бўлмоқда. Инновацион иқтисодиёт – инновациялар оқимида, доимий равишда технологик ривожланишга, кўшилган қийматга эга бўлган юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, замонавий технологияларни ўзлаштиришга асосланган ва йўналтирилган иқтисодиётдир. Баъзи тадқиқотчилар замонавий дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар устунлигини айнан инновацион иқтисодиёт томонидан таъминланишини таъкидлайдилар. Замонавий тенденциялар, жаҳон иқтисодиётининг молия бозори сектори глобаллашув ва интеграцион жараёнлар таъсирида эканлигини кўрсатади. Тижорат банклар ва суғурта компаниялар мамлакатлар тузумидан қатъий назар, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг, жумладан молия тизимининг локомативи ва стратегик бўғини ҳисобланади. Бунда уларнинг юқори даромад олиш мақсадида биргаликда (bancassurance) ҳаракат қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Банк суғуртаси бу банклар ва суғурта компаниялар ўртасидаги интеграция шаклларида бири бўлиб, унинг доирасида молиявий, операцион технологик, таркибий ва бошқарув соҳаларида уларнинг ҳамкорлиги орқали юқори самарани олиш имконини беради.

Хорижий ва маҳаллий олимларнинг ёндашувларини тизимлаштириб, бугунги кунда банк суғуртаси моделлари ва шакллари аниқлаш бўйича ягона ёндашув йўқ деган хулоса шакллантирилди.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг тизимли ёндашувлари “bancassurance”ни ягона бир модел ёки шаклда эмаслигини тасдиқлайди. Банк суғуртаси (bancassurance) ҳақида хорижий олимларнинг фикрлари ва қарашлари қуйидаги 1-жадвалда келтириб ўтилган.

**Хорижий олимлар томонидан банк суғуртасига (bancassurance)
берилган таърифлар⁵**

| Муаллиф | Таъриф |
|--|--|
| Банк суғуртаси молиявий маҳсулотларни сотиш каналлари сифатида | |
| T. Hess | Суғурта маҳсулотларини банк тармоқлари орқали сотиш шакли |
| M. Nurullah, S. Staikouras | Банк филиаллари ва бўлимларининг ривожланган кенг тармоғидан фойдаланиш орқали суғурта маҳсулотларини рағбатлантириш ва сотиш тизими |
| H. Skipper | Суғурта маҳсулотларини банк филиаллари тизими орқали сотиш ёки суғурта компаниялари савдо тармоғи орқали банк маҳсулотларини сотиш |
| Банк суғуртаси якуний умумий маҳсулот сифатида | |
| M. Kumar | Суғурта ва банк маҳсулотларини бирлаштирган сфера, бу ўз навбатида умумий тарқатиш канали ва мижозларнинг маълум гуруҳларини жалб қилиш орқали таъминланади. Актив - суғурта маҳсулотларини банк мижозларига фаол тарзда сотиш ва рағбатлантириш; Пассив - банк активларини турли рисклардан ҳимоя қилиш мақсадида банкларнинг суғурта компаниялари билан ўзаро ҳамкорлиги |
| Банк суғуртаси, суғурта компаниялари ва банкларнинг ўзаро интеграцияси сифатида | |
| Y. Violaris | Суғурта компаниялар ва тижорат банклар ўзаро ҳамкорлиги бу – ушбу молия институтларининг битта манбадан ва шу мижоз асосида тарғиб қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларидир. |
| И.А. Габидулина, В.Н. Лушниченко | Банк суғуртаси - суғурта компаниялар томонидан банкларни сотиб олиш ва банклар томонидан суғурта компанияларини сотиб олишни тақсимловчи банк ва суғурта ташкилоти ўртасида ягона ахборот тизимини яратиш |
| A. Messyasz- Handschke | Банк суғуртаси – дистрибьюторлик - тақсимлаш, тарқатиш шартномаси, бирлашиш ва қўшиб олиш шартномаси, стратегик ҳамкорлик ва акциялар сотиб олишдир |
| О. Ковалевский | Банк суғуртаси - стратегик иттифок, умумий корхона стратегияси, ўз институтини яратиш стратегияси ва консолидацияланган моделдир |
| P. J. Herring, A.M. Santomero | Банк суғуртаси бу - тўлиқ интеграция: менежерлар барча таркибий бўлинмалар доирасида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиши. Таъсисчи компания (банк), шўъба компания (суғурта ташкилоти), таъсисчи компания томонидан шўъба компанияси ташкил этиши |
| Француз мактаби намоёндалари | Банк суғуртаси - банклар ва суғурта компаниялар ўртасида шартнома тузиш ва суғурта хизматларини банк бўлимлари орқали кўрсатиш; суғурта банк ташкилотларининг бирлашиши, банк улушининг юқорилиги; банк ва суғурта бирлашмалари, банкнинг аҳамиятсиз улуши; суғурта компанияси бўйича банкнинг тўлиқ назоратидир |

⁵ Йиғилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Банк суғуртасини ташкил этишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Лекин, суғурта компаниялар ва банкларнинг “bancassurance” ҳамкорлигида фаолияти юритиши икки томон манфаатларига мос тушади (2-жадвал).

2-жадвал

Суғурта компаниялар ва банкларнинг “bancassurance” да иштирок этиш афзалликлари⁶

| | |
|---|--|
| Суғурта компанияларининг “bancassurance” да иштирок этиш афзалликлари | 1. Мижозлар сонининг кўпайиши ва янги бозорларга кириш |
| | 2. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар |
| | 3. Агентлик тармогини яратмасдан, бозорни тезликда эгаллаш |
| | 4. Биргаликда банк хизматларни кўрсатиш |
| | 5. Сотиш ҳаражатларининг камайиши |
| | 6. Суғурта даромадлари ҳисобидан инвестициялар самарадорлигини ошиши |
| | 7. Мижозларни селекция қилиш имконияти |
| Банкларнинг “bancassurance” да иштирок этиш афзалликлари | 1. Фоиз ставкасини пасайтириш орқали кўшимча даромад (комиссиялар) олиш |
| | 2. Хизматлар турларини кенгайтириш орқали мижозларни ушлаб қолиш |
| | 3. Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини жалб қилиш ҳисобига кредит ресурсларини кўпайтириш |
| | 4. Бизнесни кенгайтириш учун инвестициялар |
| | 5. Филиал ва офислар сонини оширмасдан бозорни тезликда эгаллаш |
| | 6. Суғурта имкониятларидан фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш |
| | 7. Мижозларни селекция қилиш имконияти |

Жадвалдан шуни кўриш мумкинки, молиявий жиҳатдан банклар ва суғурта компанияларнинг яқинлашуви икки томон учун ҳам бир хил афзалдир. Уларнинг биргаликдаги ўзаро фаолияти, ҳамкорлари ва мижозлари учун ҳам қулайлик ва енгилликлар яратади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида банклар ва суғурта компаниялар интеграцияси бу жуда муҳим иқтисодий ҳамкорлик ҳисобланади. Хусусиятига кўра интеграциялашув жараёнига иқтисодиётнинг молия секторидаги бирлашиш ва қўшилишларини (хусусан суғурта компаниялар ва тижорат банклар) вертикал қўшилиш ва бирлашиш дейиш мумкин. Вертикал интеграция, мижозларга маҳсулот ва хизматлар миқдорининг (сифати, кўп қирралилиги) ортиши туфайли, ўз ҳаражатларини тежаш имконини беради. Банк ва суғурта бизнесининг бирлашишига бир қатор сабаблар мавжуд. Биринчидан, биргаликда янги қўшма молиявий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, банк депозитлари рентабеллиги, суғурталашнинг афзалликлари уларни рақобатбардош ва талабгор қилади. Иккинчидан кўшимча даромад келтирувчи мижозлар базасини кенгайтиради.

Айрим олимларнинг таҳлилий тадқиқотларида Лотин Америкаси, Жанубий Африка, Шарқий Европа, Марказий Европа, моделлари кўриб чиқилган ва уларда бир хиллилик аломатлари кўзга ташланмаган.

⁶ Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қуйидаги 3-жадвалда банк суғуртаси моделларини таснифланиш мезонлари келтирилган.

3-жадвал

Банк суғуртаси моделларини таснифланиш мезонлари⁷

| Мезонлар | Таснифлаш хусусиятлари | | |
|--|---|---------------|------------------|
| Давлат томонидан тартибга солиш шакллари | -давлат томонидан қатъий тартибга солиш; -тартибга солишнинг либераллашган тури | | |
| Бозор тури ва унинг салоҳияти | Ривожланган – етилган бозор, кескин ўзгаришлар содир бўлмайди, тўйинган бозор; ривожланаётган – истиқболли бозор; суст ривожланган бозор-шаклланаётган бозор; банк суғуртаси ривожланмаган бозор. | | |
| Молиявий маҳсулотлар сотиладиган жой | Банк бўлимларида жойлашган суғурта агентлари; лицензияга эга бўлган брокер банк; банк ходимлари; аралаш каналлар. | | |
| Банк миқозлари базасининг очиклиги | Банк миқозлари базасини суғурталовчи томонидан фойдаланишдаги чекловлар; банк миқозлари базасидан умумий фойдаланиш. | | |
| Молиявий маҳсулотларни яратувчи | Ҳамкорликда комплекс молиявий маҳсулотлар ишлаб чиқилади; банк маҳсулот сотиш учун маъсул. | | |
| Бошқарув стратегияси | Суғурталовчи томонидан амалга оширилади; банкнинг шўба суғурта компаниялари томонидан амалга оширилади; аутсорсинг. | | |
| Мулкчилик шакли | Қўшма корхона; | Шўба корхона; | Мустақил фаолият |
| Инновацион фаолият ва ёндашувлар | Банк суғуртаси интеграцияси иштирокчилари илмий ғоялар генераторлари, яъни яратувчилари ҳисобланади. | | |
| Банк ва суғурта компанияларининг интеграция шакллари | Юқори интеграция шакли – молиявий конгломератлар, холдинглар, қўшма корхоналар, шўба корхоналар шаклида ташкил этилади; ўртача интеграция шакли – стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик битимлари шаклидаги фаолият олиб борилади; паст интеграция шакли – энг кенг тарқалган шакли агентлик шартномалари орқали (франчайзинг). | | |

Шуни таъкидлаш жоизки, вақт ўтиши билан булар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўзгаради. Юқорида келтирилган параметрлар, бу биринчи навбатда банк ва суғурта интеграцияси жараёнларининг динамик ривожланиши билан боғлиқ. Шу сабабли, узоқ муддатда банк суғуртаси моделлари бошқа параметрларга асосланган ҳолда бўлишига шубҳа йўқ.

Замонавий банк суғуртасининг марказлари бўлиб Фарбий Европа (Франция, Германия, Буюк Британия, Испания, Италия) ва баъзи Осиё давлатлари (Япония, Сингапур, Гонг-Конг, Тайланд, Малайзия) ҳисобланади.

⁷ Хорижий мамлакатларнинг банк суғуртаси моделлари таҳлили асосида муаллиф томонидан шакллантирилган тасниф.

Сўнги ўн йил давомида Шарқий ва Марказий Европа, Шарқий Осиё, Жанубий Америка ва Жанубий Африкада банк суғуртаси жорий этишнинг ўзига хос моделлари кенг тарқалиб бормоқда.

Банк суғуртасининг асосий моделлари Европа, Осиё-океания ва Шимолий Америка моделларидир. Банклар ва суғурта компаниялар ўртасидаги молиявий конгломерация, интеграциянинг назарий асосланганлиги билан бир каторда, кириб бориш даражаси бўйича банк суғуртаси ҳар бир мамлакатда турличадир. Банк суғуртаси концепцияси энг тез суръатларда Осиё-океания ва Европа мамлакатларида амалга оширилмоқда. Европа мамлакатлари банклари ва суғурта компанияларининг ўзаро ҳамкорликлари асосан ҳаётни суғурталаш бўйича банк хизматларини бирлаштиришга қаратилган.

4-жадвал

Ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялар томонидан суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари таснифи (фоизда)⁸

| Америка қитъаси | Канада | | | Мексика | | | АҚШ | | | Қитъа бўйича жами | | |
|------------------------------------|---------|------|------|---------|------|------|----------|------|------|-------------------|------|------|
| | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 |
| Агентлар | 22 | 25 | 28 | 67 | 45 | 36 | 18 | 17 | 13 | 32 | 28 | 23 |
| Брокерлар | 56 | 57 | 58 | 3 | 7 | 12 | 53 | 49 | 44 | 50 | 47 | 45 |
| Банклар | 0 | 0 | 0 | 4 | 23 | 28 | 8 | 12 | 19 | 8 | 11 | 15 |
| Фронт офислар | 14 | 13 | 11 | 22 | 21 | 18 | 13 | 10 | 9 | 5 | 6 | 7 |
| Бошқалар | 6 | 5 | 3 | 4 | 4 | 6 | 8 | 12 | 15 | 5 | 8 | 10 |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Европа, яқин Шарқ ва Африка (ЕМЕА) | Франция | | | Италия | | | Испания | | | Қитъа бўйича жами | | |
| | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 |
| Агентлар | 27 | 24 | 20 | 20 | 18 | 16 | 17 | 15 | 13 | 18 | 17 | 16 |
| Брокерлар | 9 | 9 | 8 | 23 | 15 | 14 | 6 | 7 | 9 | 18 | 16 | 13 |
| Банклар | 54 | 59 | 65 | 51 | 62 | 65 | 70 | 73 | 75 | 55 | 57 | 62 |
| Фронт офислар | 6 | 3 | 4 | 6 | 4 | 3 | 5 | 4 | 2 | 5 | 5 | 5 |
| Бошқалар | 4 | 5 | 3 | 0 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 4 | 5 | 4 |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Осиё-Тинч океани (АРАС) | Хитой | | | Япония | | | Сингапур | | | Қитъа бўйича жами | | |
| | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 | 2014 | 2016 | 2018 |
| Агентлар | 44 | 43 | 39 | 48 | 46 | 43 | 38 | 30 | 25 | 42 | 40 | 37 |
| Брокерлар | 1 | 1 | 1 | 10 | 20 | 27 | 15 | 21 | 24 | 8 | 11 | 16 |
| Банклар | 42 | 45 | 50 | 28 | 23 | 20 | 35 | 38 | 40 | 37 | 36 | 35 |
| Фронт офислар | 10 | 9 | 8 | 12 | 10 | 9 | 9 | 7 | 6 | 10 | 9 | 7 |
| бошқалар | 3 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1 | 3 | 4 | 5 | 3 | 4 | 5 |
| жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

⁸ 2019 Global Insurance Pools trends and forecasts: Distribution. Маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 4-жадвалда Шимолий ва Жанубий Америка қитъаларининг айрим давлатлари, Европа, Яқин Шарқ ва Африка (ЕМЕА) мамлакатлари ва Осиё-Тинч океани (АРАС) мамлакатларида суғурта компаниялари маҳсулотларини сотиш каналлари келтирилган. Жадвалдан банклар орқали суғурта маҳсулотларини сотишнинг энг катта ҳиссаси Европа, Яқин Шарқ ва Африка (ЕМЕА) мамлакатларига тўғри келишини кўриш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Иновацион иқтисодиёт шароитида банк суғуртаси ҳозирги ҳолатининг таҳлили**” деб номланган бўлиб, бу бобда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар банк суғуртасининг ҳамда Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган. Банклар ва суғурта компаниялар интеграциясини давлат томонидан тартибга солиш масалалари кўриб чиқилган.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори бирига яқин бўлганлиги сабабли ўхшаш жиҳатлари талайгина. Россия Федерациясида суғурта бозори ривожланиб келмоқда. Шу билан бир қаторда банк суғуртаси ҳам йилдан йилга ўсмоқда. Қуйидаги 5-жадвалда Россия Федерацияси ва Италия ҳаётни суғурта қилиш суғурта бозорида суғурта мукофотлари қайси каналлар орқали келиб тушганлигини кўриш мумкин.

5-жадвал

Россия Федерациясида ва Италияда суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари тақсимоти⁹

| Россия Федерациясида сотиш каналлари | 2019 йил | | | | | |
|---|-----------------|------|------|------|------|------|
| Банклар орқали сотиш | 37,2 % | | | | | |
| Суғурта агентлари орқали сотиш | 22,2 % | | | | | |
| Тўғридан-тўғри савдо орқали сотиш | 19,9 % | | | | | |
| Бошқа воситачилар орқали сотиш | 8,9 % | | | | | |
| Автосалонлар орқали сотиш | 4,3 % | | | | | |
| Суғурта брокерлари орқали сотиш | 2,9 % | | | | | |
| Интернет орқали сотиш | 4,6 % | | | | | |
| Италияда ҳаёт суғуртасини сотиш каналлари | Бозор улуши (%) | | | | | |
| | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 |
| Банклар | 54,1 | 61,2 | 56,3 | 58,9 | 58,6 | 65,0 |
| Агентлар | 27,0 | 17,9 | 19,6 | 18,3 | 18,6 | 13,0 |
| Тўғридан-тўғри сотиш | 8,6 | 8,8 | 8,9 | 10,9 | 12,6 | 6,0 |
| Молиявий маслаҳатчилар | 9,4 | 11,2 | 14,3 | 11,2 | 9,5 | 3,0 |
| Брокерлар | 0,9 | 0,9 | 0,9 | 0,7 | 0,7 | 1,0 |

Ушбу жадвалда шуни кўриш мумкинки, 2019 йил ҳолатига Россия Федерацияси суғурта бозорида тижорат банкларининг роли ошган. Суғурта маҳсулотларини банклар орқали сотиш, суғурта бозорининг лидерлари ҳисобланадиган ва бир неча йиллардан бери ушбу соҳани эгаси ҳисобланган анъанавий суғурта агентларини ҳам ортда қолдирганлигини кўриш мумкин.

⁹ https://www.ra-national.ru/sites/default/files/Insurance_Russia_2019_Report_26032020_0.pdf,
<https://www.finaccord.com/Home/Reports/Bancassurance-in-Europe-Product-and-Partnership-S>

Италияда банк суғуртаси сўнгги йилларда ривожланмоқда. Ҳаёт суғуртаси ўсиб бормоқда ва ушбу суғурта тури бўйича суғурта полисларининг 70% га яқин қисми банклар ва уларнинг филиаллари орқали сотилмоқда. Италияда эса ҳаёт суғуртаси маҳсулотларини сотиш каналлари маълумотлари таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки 2018 йилда банклар орқали ҳаёт суғуртаси маҳсулотларини сотиш 65,0% ни ташкил этган.

2019 йил ҳолатига мамлакатимизда 8 та ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳаёт суғурта компаниялари 2019 йилда 586,4 млрд. сўм суғурта мукофоти йикқан. Ушбу йиғилган маблағларнинг катта қисми банкларга депозит сифатида жойлаштирилган.

Ўзбекистонда кептив суғурта соҳаси ҳам сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. Кептив суғурта бу бирор бир молиявий институт, корпорациялар таркибида фақатгина ўз рискларини суғурталаш учун ташкил этилган суғурта компанияларидир. Мамлакатда банклар ҳам ўз таркибида шўъба суғурта компанияларини ташкил этган. Қуйидаги 6-жадвалда кептив суғурта компаниялар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу компаниялар 2019 йилда жами 240,9 млрд. сўм суғурта мукофоти тўплаган ва бу суғурта бозорининг 10,4% ни ташкил этган. 2020 йилда ушбу компаниялар суғурта бозорининг 15% ни ҳам ташкил этиши мумкинлиги прогноз қилинди.

6-жадвал

Ўзбекистонда 2019 йил банклар томонидан ташкил этилган (кептив) суғурта компаниялар маълумотлари¹⁰

| Суғурта компания номи | Таъсисчи банк | Суғурта мукофотлари (млрд. сўм) | Жами суғурта мукофотлардаги улуши % |
|-------------------------|---------------------------------|---------------------------------|-------------------------------------|
| “Asia Inshurans” МЧЖ | АКБ “Инвест финанс банк” | 71,79 | 3,1 |
| “Kapital sug'urta” АЖ | АТБ “Капиталбанк” | 46,47 | 2,0 |
| “Халқ суғурта” МЧЖ | АТБ “Халқ банк” | 39,56 | 1,7 |
| “Универсал суғурта” АЖ | АТБ “Туронбанк” | 26,83 | 1,2 |
| “PSB insurance” МЧЖ | АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” | 21,06 | 0,9 |
| “Hamkor Sug'urta” МЧЖ | АТБ “Ҳамкорбанк” | 18,99 | 0,8 |
| “Ishonch” МЧЖ | Республика банклар ассоциацияси | 11,31 | 0,5 |
| “Imkon insurance” МЧЖ | АТБ “Ипотекабанк” | 3,61 | 0,2 |
| “Perfect insurance” МЧЖ | АТБ “Қишлоқ қурилишбанк” | 1,26 | 0,01 |
| “Omad Sug'urta” МЧЖ | АТБ “Асака банк” | 0,02 | 0,00015 |
| Жами: | | 240,9 | 10,4 |

Банклар ва суғурта компаниялар ўзаро алоқалари интеграцияси фаолияти ва барқарор ривожланиши давлат томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади. Ушбу интеграцияни давлат томонидан тартибга солиш

¹⁰ <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

зарурати, бир томондан кредит ва инвестиция ресурсларини қайта тақсимлаш механизми сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, молия тизимининг барқарорлигини таъминлайди.

Тадқиқот жараёнида ушбу ҳамкорликни давлат томонидан тартибга солишда иккита ёндашувга ажратилди.

Жаҳон амалиётида тартибга солувчи орган сифатида молия бозорининг камида учта сегментини яъни, банк, суғурта ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солувчи, консолидациялашган орган эътироф этилади. Секторли ёндашув, ўз навбатида молия бозорининг айрим сегментларини тартибга солади (1-расм).



1-расм. Банклар ва суғурта компаниялар ўзаро фаолияти интеграциясини тартибга солишдаги асосий ёндашувлар¹¹


Молия бозорини тартибга солишда консолидациялашган назоратдан фойдаланган ва амалиётга қўллаган мамлакатлар Сингапур (1982 йилдаги ислохот) ва Норвегия (1986 йилдаги ислохот). Кейинги йилларда шу каби моделлар бутун Европада ҳамда, Австралия, Жанубий Корея ва Японияда жорий этилди.

